

# ТАСВИРЛАШ УСУЛИНИНГ НОЗИК ҚИРРАЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИДА ҚЎЛЛАШГА

## ЎРГАТИШ

ф.ф.н. Ш.Т.Алмаматова

### Аннотация

Мақолада мактаб болага таълим ва тарбия бериш билан бирга уни мустақил ҳаётга ҳам тайёрлаш ва умумий ўрта мактаб битирувчиларининг жуда кўпчилиги мактабни битиришгандан кейин ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишиш ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Амир, Темур, тасвирлаш, давлат, ишлар, юритиш, тил, садоқат, она.

### Аннотации

В статье представлена информация о том, как подготовить и воспитывать ребенка к самостоятельной жизни, а также о том, что подавляющее большинство выпускников средней школы после окончания учебы работают в различных сферах жизни.

Ключевые слова: Амир, Темур, описание, состояние, дела, поведение, язык, преданность, мать.

### Annotation

The article provides information on how to prepare and educate a child for independent living, as well as the fact that the vast majority of high school graduates work in various spheres of life after graduation.

Keywords: Amir, Temur, description, state, affairs, conduct, language, devotion, mother.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосини мактаб тайёрлаб етиштиради. Бу жараёнда она тилининг ўрни беқиёс, яъни болаларнинг тўлақонли, зукко, сўз заргари бўлиб вояга етишида ўз она тилига садоқат, меҳр-мухаббат бош мезон ҳисобланади. Бунинг учун ўқувчилар фикрни мустақил, равон, гўзал, лўнда қилишдек нутқий маданият ифодаланиши зарур. Демак нутқ

маданияти тилдан бемалол ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган билим, малака ва кўникмалар эгаллашдир.

Нутқий жараён болаларда ёшлигидан бошлаб шаклланади. Энди гапиришни ўргана бошлаган бола кимга қандай муомала қилишни ҳам ўргана боради. Агарда бола вояга етаётган оилада бир неча бўй етган йигит ва қизлар мавжуд бўлса, шулардан бири боланинг кўнглига ёқадиган нарсалар (ўйинчоқми, ширинликми)ни доимо келтиради ёки бошқалардан фарқли муомала қилиб эркалайди. Ёш боланинг ўша эътиборли йигит ёки қизга нисбатан муомала маданияти, муносабати бошқачароқ(ижобий маънода) шакллана боради. Бу ҳолат, албатта, бола нутқида ўз ифодасини топади. Кўп мулоқотли боланинг фикрлаш доираси, фикрни ифодалаш имкониятлари тенгдошларига нисбатан эртароқ шаклланади, такомиллашади.

Мактаб болага таълим ва тарбия бериш билан бирга уни мустақил ҳаётга ҳам тайёрлайди. Умумий ўрта мактаб битирувчиларининг жуда кўпчилиги мактабни битиришгандан кейин ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишади. Турфа одамлар билан учрашишади, мулоқотда бўлишади. Хуллас тўлақонли шахс шаклланади.

Ўзбек аждодлар ҳикматига амал қилиб ўйнаб гапирса ҳам ўйлаб гапиради. Ҳамиша қошиб гапириш эмас, тошиб гапириш пайида бўлади. Сўзга мухаббат, нутқнинг мулойимлигидан, ундаги сўзларнинг фавқулодда қўлланишидан завқланиш, гўзал ва таъсирли нутқ тузиш имкониятини беради. Айтилмоқчи бўлган фикрга мос сўзларни танлай олиш орқали тингловчининг қулоғини эмас, балки қалбини ҳам эгаллаш ўзбекона сифатлардан саналади.

Одамларнинг мавқеига қараб мурожаат қилиш бор ҳақиқат. Шундай экан болани мактаб ёшидан бошлаб нутқнинг турли стилларида муомала қилиш, мурожаат қилишга ўргата бориш ўқитувчининг, мактабнинг бош мақсадларидан бирига айланиши лозим. Бу борада тарихий мавзуда ёзилган бадиий асарлар қўл келади. Чунончи, жаҳонга машҳур буюк сиймо, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби, саркарда ва маданият ҳомийси Амир Темурнинг ҳаёти, фаолиятига бағишланган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарини мисол тариқасида олишимиз мумкин. Асарда қўлланилган ўша давр муҳитига хос стилдаги айрим характерли ўринларни ўқувчилар нутқида қўллаш орқали улар нутқида юқори стиль(бадиий стиль) намуналарига кўниктира бориш ижобий натижа беради.

Маълумки, Амир Темур Марказий Осиёда том маънодаги тинчлик, иқтисодий, сиёсий, маънавий, барқарорликни яратувчи буюк сиймодир. Айни пайтда Ислом динининг тарғиботчиси ҳамдир. Айрим фактларга мурожаат қиламиз. Амир Темур ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Эрёб вилоятидан ўтаётганда аҳоли томонидан бир гуруҳ йўлтўсар қароқчилар пайдо бўлганлигини Соҳибқиронга шикоят қилишади. Тинчликпарвар Амир қароқчиларни қўлга олади ва жазолайди. Унинг тафсилотини муаллиф (Низомиддин Шомий) бундай тасвирлайди: “Жума куни чошгоҳ вақтида жаҳон итоат этувчи ҳукмга мувофиқ у ичи қораларни сиёсат қиличидан ўтказдилар, ўт сочувчи қиличлар суви билан у йўлдан адашганлар бошини хорлик тупроғига ташладилар”.1)(1. Низомиддин Шомий. Зафарнома.-Т.1996 йил.231-бет кейинги ўринларда асарнинг саҳифалари матнда берилди.)

Бу иқтибосда Амир Темур шон-шавкатини тасвирлаш учун “жаҳон итоат этувчи ҳукм”, давлат ишларини юритиш “сиёсат қиличи”, душманларни, гуноҳкорларни жазолаш усулига кўра “қиличлари суви”, “хорлик тупроғи” кабилар билан ифодаланганки, бу Соҳибқироннинг жанг салоҳиятидан тортиб, бутун иш фаолияти бадиий услубда ўз ифодасини топган. Агарда бу кўрсатилган таъкидлар ўрнида Амирнинг ҳукми, жазолаш йўллари ва усуллари типидан ифодаланганда мақсадга мувофиқ бўлмас эди. Ҳатто пайғамбаримиз(с.а.в.) ҳам “Одамлар билан уларнинг мартабаларига мувофиқ равишда муомала қилинг” деганлар. Вазиятга мувофиқ равишда ўқувчиларни ҳам шундай сўзлашга, образли ифодалашга ўргата бориш зарур.

Бир умр тинчлик учун, осойишталик учун курашган осойишталикни йўлга қўйган Амир Темурга Парниёний қабиласининг итоатсизлиги ва йўлтўсарлиги ҳақида ҳабар келади: “Амир Соҳибқирон отланиб, у ҳудудга жўнади ва устига чопқин ясади, кўп халқни ўткир қилич воситаси билан дўзах ўтига жўнатди...”

Шу .....да у қавмнинг каттаси бўлмиш Умил номли киши ихлос ва тўғри ният билан муборак даргоҳ хизматига юз қўйди. Товба ва истиғфorni ўзига васила ва шафе қилди. Унинг ички тўғрилиги ҳам шу маънига тўғри келгач, инояту марҳамат билан тақдирланди. Тўғрилиқ шохидан омонлик мевасини олди(232-бет)

Эгилган бошни қилич кесмайди деганларидек, ана шундай даҳшатли хунрезликдан ички ва ташқи томони, яъни қалби ва сўзи тўғриликка қаратилган қабиланинг бир қисми тўғрилиқ шарофатида омон қолади. Шунинг учун айтади: “Тўғриликка ўлим йўқ”1),(1.Ш.Шомақсудов,

Ш.Шораҳмедов, Нега шундай деймиз. Т. 1988,266-бет) “Тўғри бошни эгри килич кесмас”2) (2. Ўзбек халқ мақоллари, II том, Т. 1988, 101-бет.)деб.

Иқтибосдаги “чопқин ясади”, “дўзах ўтига жўнатди” каби бадий ифодалар орқали жанг ҳолати, итоатсизликнинг жазоси баён қилинган. Бу ўринда жанг пайтидаги қирғин эмас, балки гуноҳкорлиги учун, кечириб бўлмас айби учун ўлдирилаётганлиги ифодаланган. Ҳушёрлик, вазиятни тўғри англаш,тўғрилиқ омонликни келтиргани “юз қўйди”. “Тўғрилиқ шохидан омонлик мевасини олди” воситасида баён қилинмоқда. Бадий ифодаларнинг англаган маъноларига эътибор қаратсак, воқеалар кечимининг мазмунга мослигини кўрамиз.

Бундай бадий ифодалар ўқувчилар тафаккури тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Ўқувчилар ҳар қандай бадий ифода, кўтаринки нутқ мақсад сари хизмат қилавермайди. Қайси ўринда, вазиятга қараб сўзларни кўчма маъноларда қўллашга ўргатади. Демак ўқувчиларда сўзга чечанлик, ифодалилик малака ва кўникмалари шаклланади.

Ёки дунёнинг бебақолиги, бевафолиги, ҳар бир кўтарилишнинг интиҳоси борлиги Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида шундай тасвирлайди: “Ҳар бир чошгоҳнинг шоми бор ва ҳар бир бошланишнинганжоми. Ақлли киши ҳар вақт ибрат кўзи билан бу ҳолатларга қараса, бу қари кампир- дунё мухаббати ўз қалбида ҳукмрон бўлиб олишга қўймайди ва бу бевафо келин – дунё гўзалининг саботсиз аҳдига дилини боғламайди”(350-бет).

Дарҳақиқат, тарих зарварақларидан ташқари замондошларимизга назар ташласак, турли йўллар билан тўпланган молу давлатига ишониб, босартусарини билмаганларнинг охири хорлик даражасига келмаган ким бор? Амал чўққисига кўтарилиб, ўзини англамаганларни мартабасидан пастга туширмаган ким бор? Бу исбот талаб қилмайдиган воқеа-ҳодисаларнинг илдизи жуда қадим тарихга бориб тақалади.

Иқтибосда келтирилган ақлли кишига панд-насихат дунё молига кўнгил қўйишнинг оқибати қари кампир- дунёга мухаббат ўз ҳаётига ўзининг ҳукмронлик қилишига қўймайди, бевафо келин- дунёнинг саботсиз аҳдига кўнгил боғламайди. “Дунё шундай ажабтовур” (Р.Ҳамзатов).

Дунёнинг ҳам қари кампир, ҳам ёш келин тарзида ифодаланиши, тасвирланиши ўқувчи тафаккури ривожига катта аҳамиятга эга. Биринчидан, дунё атамасининг маъноларини, яъни ҳам замон, ҳам молу мулк

маъноларини англаб етади ва молу дунёнинг беқарорлигини англайди, иккинчидан, дунё молига ҳаваснинг беҳожатлигини англайди.

Бундай бадий ифодалашни ўқувчилар нутқида қўллашга одатлантира бориш зарур.

Тарихсиз келажак йўқ деганларидек, тасвирлашнинг бундай нозикқирралари тарихий мавзуда яратилган асарларда кўп учрайди. Бу ифода воситаларини ўқувчиларнинг ўрганиши ва нутқида қўллаши орқали ҳам тарихимиз ўрганилади, ҳам тарихий асарларни ўқишга одатлантира боради.